

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАСИМОВ РАШИД ҲАМИД ЎҒЛИ**

**МИОКАРД ИНФАРКТИНИ МАСОФАДАН ТАШХИСЛАШНИНГ**  
**АЛГОРИТМЛАРИ ВА АППАРАТ-ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИНИ**  
**ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер  
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Насимов Рашид Хамид ўғли**

Миокард инфарктни масофадан ташхислашнинг алгоритмлари  
ва аппарат-дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш ..... 3

**Насимов Рашид Хамид угли**

Разработка алгоритмов и аппаратно-программного комплекса  
для дистанционной диагностики инфаркта миокарда..... 21

**Nasimov Rashid Hamid ugli**

Development of algorithms and hardware-software complex for  
remote diagnosis of myocardial infarction..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАСИМОВ РАШИД ҲАМИД ЎҒЛИ**

**МИОКАРД ИНФАРКТНИ МАСОФАДАН ТАШХИСЛАШНИНГ**  
**АЛГОРИТМЛАРИ ВА АППАРАТ-ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИНИ**  
**ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер  
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1564 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мўминов Баҳодир Болтаевич**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Зайнидинов Хаким Насридинович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Хўжаев Отабек Қадамбаевич**  
PhD

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат транспорт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» «\_\_\_\_\_»да соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail:[tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» «\_\_\_\_\_» куни тарқатилди. (2021 йил «\_\_\_» «\_\_\_\_\_» даги \_\_\_\_\_рақамли реестр баённомаси).

**Р.Х.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.М.Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент.

**М.А.Рахматуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Тиббиёт соҳасида аппарат-дастурий махсулотларни ишлаб чиқариш саноатининг халқаро миқёсда ривожланиши шуни кўрсатмоқдаки, инсонларда содир бўладиган биологик ўзгаришларни мониторинг қилиш, ўзгариш кўрсаткичларини аниқлаш ва дастлабки ташхислаш жараёнлари, яқин йиллар ичида, нейрон тармоқларининг интеллектуал-таҳлилий алгоритмларига асосланган аппарат-дастурий воситалар орқали амалга оширилиши мумкин. Охириги ўн йилликларда, рақамли қурилмалар (хусусан, смартфонлар) орқали кўрсатиладиган тиббий хизматларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Шу боис, ривожланган мамлакатларда смартфонларда тиббий хизматларни тақдим этишга йўналтирилган иловалар имкониятларини кенгайтириш ва фойдаланишни осонлаштириш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, миокард инфарктни нейрон тармоқларининг интеллектуал-таҳлилий алгоритмлари ва улар асосида ишловчи аппарат-дастурий воситалар билан ташхислаш ва мониторинг қилиш борасида АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Португалия, Япония, Австралия, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Ўзбекистонда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Тиббий хизматларни кўрсатувчи марказларда масофадан ташхис қўйиш амалиётини жорий этиш, бунинг учун улардаги сифатли аппарат-дастурий воситалар сонини кўпайтириш ва шу орқали ўлим хавфи юқори бўлган касалликларни эрта аниқлаш ва уларни мониторинг қилиш борасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, миокард инфарктни масофадан ташхислаш учун катта массивли маълумотлар базасини ташкил этиш, машинали ўқитиш алгоритмлари асосида тиббий маълумотларга интеллектуал ишлов бериш алгоритмларидан фойдаланиш ва шуларга асосланган аппарат-дастурий воситаларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3894-сонли «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ва 2020 йил 7 октябрдаги ПФ-6079-сонли «Рақамли Ўзбекистон – 2030» фармонида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги 48-сонли қарорида келтирилган масофадан ташхислаш, уй шароитида тиббиёт хизматларини тақдим этиш, тиббиёт бўйича билимлар базаси, шошилинич тиббиёт хизматини рақамлаштириш, телетиббиёт, био-тиббиёт ва биотехнологиялар йўналишларини комплекс ривожлантириш каби вазифалари амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Миокард инфарктга ташхис қўювчи аппарат-дастурий воситаларнинг, маълумотлар базасини ишлаб чиқиш; белгиларни аниқлаш, математик моделлаштириш, маълумотларни интеллектуал-таҳлил қилиш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш бўйича дунёдаги кўплаб ихтисослаштирилган илмий муассасаларда олимлар илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Жумладан, Р.Ачарья, Т.Реасат, Х.Луи, Б.Балоглу, Н.Стродтхоф, Л.Венханларнинг ишларида нейрон тармоқларидан фойдаланиб миокард инфаркт ва бошқа юрак касалликларини фарқлаш, ҳамда, ташхислаш бўйича моделлар ишлаб чиқилган.

Республикада маълумотларга интеллектуал ишлов бериш соҳасининг таниб олиш алгоритмлари йўналишида М.М.Камилов, хусусиятларни аниқлаш ва танлаш алгоритмлари йўналишида Ш.Х.Фозилов, нутқ сигналлари йўналишида М.М.Мусаев, тасвирларга ишлов бериш йўналишида Н.А.Игнатъев, тиббий тасвирларга ишлов бериш йўналишида Х.Н.Зайнидинов, эксперт тизимлари йўналишида М.А.Рахматуллаев, таснифлаш ва ташхислаш масалалари бўйича А.Х.Нишанов, интеллектуал қидирув тизимлари йўналишида Б.Б.Мўминов каби олимлар илмий тадқиқот олиб бориб, ушбу йўналишнинг ривожини учун ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Шунга қарамасдан, ҳозирги кунгача, электрокардиограмма маълумотлари асосида миокард инфарктни аниқлашга қаратилган нейрон тармоқлари архитектураси ва аппарат-дастурий воситасини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга жорий қилиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 7/18-Ф «Қон босими ва юрак хуружи билан хасталанган беморларни масофадан мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиш» (2018-2019); I-5-0519 «Юракнинг функционал ўзгаришларини мониторинг қилиш» (2019) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** миокард инфарктга масофадан ташхислаш жараёнининг нейрон тармоғига асосланган алгоритмлари ва аппарат-дастурий мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

миокард инфарктга ташхис қўйишда фойдаланиб келинаётган аппарат-дастурий воситаларни, нейрон тармоқларига асосан тасвирларга ишлов бериш усул ва алгоритмларини таҳлил қилиш;

электрокардиография аппарат-дастурий таъминотининг функционал тузилмасини лойиҳалаш ва смартфон билан ўзаро маълумот алмашиш алгоритмини ишлаб чиқиш;

нейрон тармоғига кирувчи маълумотларни ҳосил қилиш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

миокард инфарктни ташхислаш ва жойлашув ўрнини аниқлашга қаратилган нейрон тармоғининг параметрлари ва архитектурасини куриш;

миокард инфарктни ташхислаш ва жойлашув ўрнини аниқлаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

смартфон ЭКГ аппарат-дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида электрокардиография сигналлари, тасвирлари ва ўқув танланмалари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ўқув танланмаларни тўплаш усуллари, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш усуллари ва алгоритмлари, электрокардиография аппарат-дастурий воситаси ва смартфон иловасини ишлаб чиқиш технологиялари ва усуллари олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари** сифатида рақамли тасвирларга ишлов бериш усуллари, кузатиш ва статистик таҳлил усуллари, тўпламлар назарияси ва математик статистика, маълумотларга интеллектуал ишлов бериш усуллари ва дастурлаш технологиялари олинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

ADS1298 аналог-рақамли ўзгартиргич қурилмаси ёрдамида электрокардиография аппарат-дастурий таъминоти лойиҳаланган ва смартфон қурилмаси билан маълумот алмашиш алгоритми ишлаб чиқилган;

электрокардиограмма сигналларини ҳисобга олган ҳолда нейрон тармоғига кирувчи 75x224 ўлчамли JPG форматида тасвирни ҳосил қилиш алгоритми ишлаб чиқилган;

нейрон тармоғи параметрлари ва математик таъминотини ҳисобга олган ҳолда миокард инфарктни ташхислаш ва жойлашувини аниқлашнинг CNN тармоғи архитектураси қурилган;

75x224 ўлчамли тасвир формати, нейрон тармоғи параметрлари ва математик таъминоти ёрдамида миокард инфарктни ташхислаш ва жойлашув ўрнини аниқлашнинг алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

электрокардиография аппарат-дастурий таъминотининг функционал тузилмаси лойиҳаланган;

миокард инфарктни ташхислаш мақсадида 19904 та ўқув танланмаларга асосланган маълумотлар базаси шакллантирилган;

смартфон электрокардиография аппарат-дастурий мажмуасида Bluetooth қурилмасининг ишлаш алгоритми таклиф этилган;

смартфон электрокардиография аппарат-дастурий мажмуасининг функционал тузилмаси, фойдаланувчи интерфейси, фойдаланиш учун техник талаблар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган муаммонинг математик жиҳатдан коррект ифодаланиши, хусусиятлар орасидаги боғлиқликларни аниқлашда маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш усуллариининг тўғри қўлланилиши, шунингдек назарий ва амалий тадқиқотлардан олинган натижалар ва уларнинг мувофиқлиги орқали изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган нейрон тармоғи архитектураси, миокард инфарктни масофадан ташхислашнинг алгоритмлари ва аппарат дастурий мажмуаси турдош масалаларини ҳам ҳал этишда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кардиология марказларидан ташқарида яшовчи аҳоли ўртасида юзага келадиган миокард инфарктни барвақт аниқловчи аппарат-дастурий мажмуани ишлаб чиқиш орқали тиббий хизматларни масофадан такдим этиш ҳамда ташхислашнинг мобил иловаларини ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Миокард инфарктни масофадан ташхислаш учун электрокардиограмма тасвирларини ҳосил қилиш, миокард инфарктни ташхислаш ва жойлашувини аниқлаш алгоритми ҳамда смартфон электрокардиография аппарат-дастурий мажмуаси бўйича олинган натижалар асосида:

ADS1298 аналог-рақамли ўзгартириш қурилмаси асосида лойиҳаланган электрокардиография аппарат-дастурий воситасини смартфон иловаси билан интеграция қилиниши натижасида ишлаб чиқилган смартфон ЭКГ аппарат-дастурий мажмуаси «57-сон Оилавий поликлиникаси»да жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябр 33-8/7052-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси тиббиёт марказларидан ташқарида, навбатчи шифокорлар смартфон электрокардиография аппарат-дастурий воситасидан фойдаланиши натижасида, электрокардиограмма маълумотларини олиш вақтини 1,8 мартага қисқартириш имконини берган;

электрокардиограмма тасвирини ҳосил қилиш алгоритми ва миокард инфарктни ташхислашнинг нейрон тармоғига асосланган интеллектуал ишлов бериш алгоритмлари асосида ишлаб чиқилган дастурий восита «Тиб келажаги» хусусий клиникасида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябр 33-8/7052 маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси миокард инфарктни ташхислаш ёки бор ёки йўқлигини шифокорнинг аралашувисиз аниқлаш имкони 1,7 марта ошириш, зарурий амалиётни ўз вақтида кўрсатишни 1,5 мартага ошириш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг илмий ва амалий натижалари 4 та халқаро ва 13 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.



**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича асосий натижалари 28 та илмий ишларда эълон қилинган, улардан 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган журналларда, жумладан 2 таси хорижий журналларда ва 6 таси республика журналларида нашр қилинган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Миокард инфарктни масофадан ташхислашнинг алгоритмлари ва аппарат-дастурий воситалари**» деб номланган биринчи бобида миокард инфаркт (МИ)га масофадан ташхис қўйишнинг зарурати ва аппарат-дастурий воситалари ҳамда ташхислашнинг интеллектуал алгоритмлари таҳлил қилинган.

Компьютерлашган электрокардиограция (ЭКГ) ва холтер аппаратларидан фарқли, смартфонларда реал вақтда ва турли географик нуқталардан масофавий тиббий хизматлар учун фойдаланиш, кичик ҳажмли, портатив, кундалик фаолиятда тақиб юришга қулай, бир неча кун давомида тақиб юриш, гаджедлар билан ишлаш, маълумотларни хотирада сақлаш имконияти мавжуд, интерпретация қилиш учун махсус веб-броузерга узатиш ва бошқа қўшимча имкониятлари мавжуд ва шу билан бирга машинали ўқитиш (МЎ) алгоритмларидан фойдаланиб шифокорнинг аралашувисиз касалликларни ташхислаш имкониятини қўллаб қувватлайди.

Ҳозирги кунда машинали ўқитишнинг турлари ва алгоритмлари сони ортиб бормоқда. МЎ алгоритмлари ўқитиш жараёнида муайян қоидаларга асосан белгиларни ажратиб таснифлайди. Айнан белгиларни ажратиб олиш хусусияти сабаб, белгилар ошган сари алгоритм мураккаб кўринишга келади ва катта ҳажмли маълумотларни ўқитиш талаб этилганида машинали ўқитиш алгоритмларидан фойдаланиш ноқулай бўлиб қолади. ЭКГ тасвирларига асосан МИнинг белгиларига дастлабги ишлов беришларсиз, мураккаб қоидаларга асосланган алгоритмларни ишлаб чиқмасдан ва филтрлаш усулларидан фойдаланмасдан аниқлашнинг

самарали усули чуқур ўқитишнинг CNN (convolutional neural network) алгоритми ҳисобланади, 1-жадвалда уларнинг қиёсий таҳлили келтирилган.


**1-жадвал.**

**МИни аниқлаш учун ишлатиладиган машинали ўқитиш ва чуқур ўқитиш алгоритмларининг қиёсий таҳлили**

Алгоритм номи	Кўп каналли ЭКГ маълумоти билан ишлаш тезлиги	Кўп ўлчамли тасвирлар билан ишлаши	Белгиларни ажратиб олишга бўлган талаб	Синфларга ажратиш аниқлиги (%)	Синфлар сони	Ўқитиш учун талаб қилинадиган маълумотлар сони
FNN	Паст	-	+	92,2	Чекланган	Кам
WT	Паст	-	+	96,56	Чекланган	Кам
SVM	Паст	-	+	99,1	Чекланган	Кам
k-NN	Паст	-	+	98.8	Чекланган	Кам
CNN	Юқори	+	-	98,47	Чекланмаган	Кўп

Диссертациянинг «ЭКГ аппарат-дастурий таъминотини функционал тузилмаси ва маълумот алмашиш жараёнини лойиҳалаш» деб номланган иккинчи бобида смартфон билан интеграцияланувчи кичик ўлчамли ва 24 бит резолуцияли делта-сигма аналог-рақамли ўзгартириш (АРЎ) қурилмаси асосида ЭКГ аппарат-дастурий таъминотини функционал тузилмаси лойиҳаланган. 12 каналли ЭКГ аппарат-дастурий таъминотида сигналларнинг ҳосил қилиниши, маълумот тузилмаси, буйруқлар билан ишлаши, хусусан, тизим, маълумотларни ўқиш ва регистрда ёзиш буйруқлари ишлаб чиқилган.

АРЎ қурилмаси – Texas Instrument томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у кам қувватли (0,75 мВт/канал), кўп каналли, махсус тиббий аппарат-дастурий воситаларни ишлаб чиқиш учун махсус лойиҳаланган. АРЎ қурилмасида кирувчи барча аналог кўринишдаги сигналлар бир вақтда дискретланади. Ушбу қурилма орқали тана ҳароратини, сунъий юрак стимулятори кучланишини ўлчаш, сенсорларнинг танадан узилганлигини аниқлаш, RLD занжирдан фойдаланиш мумкин. Қурилманинг маълумот узатиши 250 Кб/с тезликка етади. Аналог-рақамли ўзгартириш қурилмаси ААМІ ЕС11, ЕС13, IEC60601-1, IEC60601-2-27, ва IEC60601-2-51 стандарти талабларига мос келади. Қурилмада осциллятор бўлиб, унинг ёрдамида 2048 МГц синхронизация сигнаolini ҳосил қилиш мумкин. ЭКГ аппарат-дастурий таъминоти билан смартфон иловаси ўртасидаги алоқа JSON форматида амалга оширилди. 1-расмда ЭКГ аппарат-таъминоти ва смартфон қурилмаси ўртасида маълумот алмашиш алгоритми келтирилган.



**1-расм. ЭКГ аппарат-таъминоти ва смартфон қурилмаси ўртасида маълумот алмашиш алгоритми**

**1-қадам.** Қувват манбаи ишга тушганидан кейин, ташқи синхронизация (ТС) мавжуд ёки мавжуд эмаслиги текширилади. Агар ТС мавжуд бўлса синхронизацияни танловчи мастер (CLKSEL) нолинчи пинга ўрнатилади ва ТС  $f_{clk} = 2,048$  МГц частотада ишлай бошлайди. Агар ТС бўлмаса CLKSEL биринчи пинга ўрнатилади ва ички осциляторнинг фаоллашиши кутилади. Бу жараён паст қувватли режим ҳисобланади ва маълумот узатиш тезлиги  $DR = f_{MOD} / 1024$  га тенг бўлади.

**2-қадам.** PWDN ва RESET 1 га тенг қилиб ўрнатилади. Бунда RESET нинг қайта ишга тушиши ва осциляторнинг иш бошлаши кечиктирилади.

**3-қадам.** RESET буйруғи берилгач регистрлар конфигурациясини стандарт ҳолатга ўрнатиш учун 18  $t_{clk}$  вақт ўтиши керак. Ундан кейин қурилма фаоллашади ва бунда у RDATAС режимда иш бошлайди. Бу эса фақат ўқиш режими ҳисобланади. Регистрда ёзиш имконини ишлаб чиқиш учун SDATAC буйруғи юборилади.

**4-қадам.** Ёзиш учун ташқи манба бор ёки йўқлиги текширилади. Мавжуд бўлмаса, PDB\_REFBUF =1 буйруғи юборилади ва ички манбанинг ёниши кутилади. Агар ташқи манба мавжуд бўлса, тўғридан тўғри кейинги босқичга ўтилади.

**5-қадам.** Баъзи регистрларга ёзиш жараёни бошланади. Бу босқичда қурилма катта тезликда ишлаш режимига ўтади.

**6-қадам.** START=1 буйруғи бериледи ва ўзаро алоқа бошланади. Агар ушбу буйруғ берилмаса, курилма DRDY (маълумот тайёр эканлигини кўрсатувчи) сигнални узатмайди ва алоқа бошланмайди. Ушбу босқичда DRDY сигнали  $f_{clk}/4096$  частота билан узатилиши керак.


**7-қадам.** Курилма яна қайта RDATAС режимига ўтказилади.

**8-қадам.** Маълумотлар қабул қилиб олинади ва шовқинлар текширилади, яъни (DRDY) сигнали ва  $24+n*24$  SCLK маълумот мавжудлиги текширилади. Бу ерда ( $n$  – фаол каналлар сони).

**9-қадам.** Тест сигнали узатилади ва  $(1mV * V_{REF}/2,4)$  фаоллаштирилади.

**10-қадам.** Маълумот ва тест сигнали қабул қилинади ва жараён тугайди.

Диссертациянинг «ЭКГ маълумотларини интеллектуал таҳлил қилиш ва миокард инфарктни ташхислаш алгоритмлари» деб номланган учинчи бобида CNN тармоғига кирувчи тасвирни ҳосил қилиш алгоритмлари, нейрон тармоғи параметрлар ва архитектураси курилди ва МИни ташхислаш ва жойлашувини аниқлашга қаратилган алгоритм ишлаб чиқилди. 2-расмда CNN тармоғига кирувчи тасвирни ҳосил қилиш алгоритми келтирилган.



**2-расм.** CNN тармоғига кирувчи тасвирни ҳосил қилиш алгоритми

**1-қадам.** Пан-Томпкинсон алгоритми орқали аниқланган ЭКГ тўлқинларидаги  $R$  координаталар ҳақидаги маълумот киради.


**2-қадам.** ЭКГ сигналнинг бошланиш ва охири нукталари берилган ораликдан чиқиб кетмаслиги  $S_i > 0$ ,  $E_i < 1000$  шарт ёрдамида текшириб олинади. Агар ушбу шарт бажарилмаса, бошқа сигнал берилиши учун сўров

юборилади ва алгоритм жараёни такрорлайди. Акс ҳолда кейинги қадамга ўтади.

**3-қадам.**  $F(x)$  сигналларнинг  $S_i$  ва  $E_i$  ораликдаги қийматлари  $F[i]$  тўпламга киритилади.

**4-қадам.**  $i > 12$  шарт текширилади, агар шарт бажарилмаса 3-қадамга қайтарилади. Агар шарт бажарилса  $F[i]$  тўплам қадамга ўтказилади.

**5-қадам.**  $F[i]$  тўпламдаги қийматлар  $(x, i)$  координатасида чизилади ва нейрон тармоғига кирувчи 0-255 ораликқа келтирилган *JPG* форматида тасвир ҳосил бўлади.



### 3-расм. CNN тармоғига кирувчи XLS файлини ҳосил қилиш алгоритми

Тадқиқотда МИни ташхислашда, тасвирни ҳосил қилиш алгоритмидан фарқли, 12 каналли ЭКГ сигналларини бир сониядаги қийматининг 12x652 ўлчамли сонли матрица кўринишида ҳосил қилувчи алгоритм ишлаб чиқилди, 3-расмга қаранг.

**1-қадам.** Пан-Томпкинсон алгоритми орқали аниқланган ЭКГ тўлқинларидаги  $R$  координаталар ҳақидаги маълумот киради.

**2-қадам.** ЭКГ сигналининг бошланиш ва охири нукталари берилган ораликдан чиқиб кетмаслиги  $S_i > 0$ ,  $E_i < 1000$  шарт ёрдамида текшириб олинади. Агар ушбу шарт бажарилмаса, бошқа сигнал берилиши учун сўров юборилади ва алгоритм жараёни такрорлайди. Акс ҳолда кейинги қадамга ўтади.

**3-қадам.**  $F(x)$  сигналларнинг  $S_i$  ва  $E_i$  ораликдаги қийматлари  $F[i]$  тўпламга киритилади.

**4-қадам.**  $i > 12$  шарт текширилади, агар шарт бажарилмаса 3-қадамга қайтарилади. Агар шарт бажарилса  $F[i]$  тўплам қадамга ўтказилади.

**5-қадам.**  $F[i]$  тўпلامдаги қийматлар натижасида CNN тармоғининг киришида 12x652 ўлчамли XLS форматида матрица ҳосил қилинади ва -1500 ва +2500 оралиғидаги сонлар олинди.

Кириш қатлами нейронларининг сони тасвир ўлчами билан ўлчанади, бунда тасвирнинг матрицаси  $N=a_1 \times b_1 \times c_1$  кўринишда ифодаланди. Бу ерда  $a_1$  – матрицанинг эни,  $b_1$  – матрицанинг баландлиги ва  $c_1$  – ранг каналларининг сони. CNN тармоғининг конволужин қатламига  $[a_1, b_1]$  ўлчамли матрица кириш қатлаидан кирмоқда, бу қатламда қабул қилинган тасвирларга  $B[h, l]$  фильтри таъсир қилади. Фильтрининг матрицаси ўлчами  $B[h, l]$  га тенг ва умумий матрицанинг  $A[h, l]$  соҳасини қамраб олади. Кирувчи матрицанинг фильтрланиши жараёнини ифодалаш учун,  $A$  ва  $B$  соҳалар орасидаги дискрет конволужин амали қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$x[i, j, m] = \sum_{u=-h}^h \sum_{v=-l}^l A[i-u, j-v, k] B[u, v, m] + b_m$$

бунда,  $i, j$  - чиқувчи белги ҳаритаси ячейкаси координатаси,  $k$ -кирувчи қатлам чуқурлиги (ушбу ҳолатда 1 га тенг),  $m$ -фильтрнинг тартиб рақами,  $b_m$  - қийматларни силжитиш коэффициентини,  $h, l$ -фильтрнинг ўлчами.  $B$  фильтрни умумий матрица юзаси бўйлаб силжитиш, ҳар бир кичик  $A$  соҳага қўллаш натижасида  $x[a_2, b_2]$  матрица ҳосил бўлади ва у чиқувчи белги ҳаритасининг матрицаси деб номланади. Конволужин қатламида қанча фильтр ишлатилган бўлса, шунча марта белги ҳаритаси ҳосил бўлади, натижада ушбу қатламнинг чиқишида  $[a_2, b_2, c_2]$  кўринишидаги маълумот ҳосил бўлади.

CNN тармоғида биринчи конволужин қатлаидан кейин тармоқнинг тезлигини, ишлаш самарадорлигини ва барқарорлигини таъминлаш учун кичик давр (BN)дан фойдаланилди.

BN қатламида тармоқни ўқитиш давомида қуйидаги амаллар бажарилади. а) қатламлар киришидаги ўртача қиймат ва дисперсия ҳисобланади, яъни:

$$\mu_B = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n x_i$$

$$\sigma_B^2 = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - \mu_B)^2$$

Бунда,  $x_i$  – ушбу қатламга кирувчи маълумот,  $n$ -кичик тўпلامдаги жами маълумотлар сони.

б) аввал ҳисобланган кичик тўпلام статистикасига кўра, қатламлар кўриниши нормаллаштиради:

$$\bar{x}_l = \frac{x_i - \mu_B}{\sqrt{\sigma_B^2 + \epsilon}}$$

с) нормаллаштирилган маълумотлар қуйидаги ифода ёрдамида сиқилади/катталаштирилади ва силжитилади, натижада BN қатламининг чиқиши ҳосил бўлади.

$$y_i = \gamma \bar{x}_i + \beta$$

Бу ерда  $\gamma$  ва  $\beta$  тармоқнинг ҳақиқий параметрлари билан бир қаторда ўрганиб борилади, яъни қийматлар ўқитиш давомида ўрнатилади.

Конволужин алгоритми чизикли бўлганлиги сабабли архитектурада ночизикли фаоллаштириш функцияси бўлган ReLU функциясидан фойдаланилди. ReLU кириш элементларининг ҳар бирига қуйидаги функция билан таъсир қилиб, чиқиш матричасини ҳосил қилади.

$$f(x) = \begin{cases} x, & x \geq 0 \\ 0, & x < 0 \end{cases}$$

Тўла уланган қатлам хусусий вазн коэффициентлари ва оғишга эга бўлган сигмоид функцияси билан кирувчи ҳар бир элементга таъсир қилиб, чиқишда  $|x|/x+1$  ўлчамли матрицани ҳосил қилади. Ушбу қатламга уланган нейронларнинг умумий сони ажратиладиган синфлар сонига тенг бўлади.

CNN тармоғининг охириги қатламида тасвирнинг белгиларига қараб таснифлаш амали бажарилади. Softmax функцияси барча синфлардан мумкин бўлган мақсадли синфнинг эҳтимоллигини ҳисоблаб чиқади, яъни тармоқда кўп синфларга ажратиш вазифаси қўйилганида ва нормаллаштирилмаган чиқиш натижасининг эҳтимоллигини тахмин қилинган чиқиш синфлари бўйича аниқлашда ушбу функциядан фойдаланилади:

$$y_r(x) = \frac{\exp(a_r(x))}{\sum_{j=1}^k \exp(a_j(x))}$$


бунда,  $0 \leq y_r \leq 1$  ва  $\sum_{j=1}^k y_j = 1$ . Softmax функцияси  $k$  нинг тасодифий жуда катта қийматларини олади ва  $k$  нинг қийматлари векторини ҳосил қилади. Бу қийматлар 0 ва 1 сонлари орасида бўлади. Ҳосил қилинган қийматлар 1 сонига нормаллаштирилади. Softmax функциясининг чиқиши синфларнинг эҳтимоллиги сифатида олинади.

Ушбу қатламда қуйидаги функцияга асосан чиқиш ўлчами ва синф номи ажратилади.

$$E(\theta) = - \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^k t_{ij} \ln y_j(x_i, \theta)$$


Бунда,  $\theta$  – параметр вектори,  $t_{ij}$  –  $i$ -намуна  $j$ -синфга тегишли эканлигини кўрсатувчи индикатор.  $y_j(x_i, \theta)$  –  $i$ -намуна учун чиқиш.

Нейрон тармоғини параметрлари ва ишлаб чиқилган математик таъминот асосида МИни ташхислаш ва жойлашувини аниқлаш жараёнининг CNN тармоғига асосланган параметрлари ва архитектураси қурилди, 4-расмга қаранг.



**4-расм. МИни ташхислаш ва жойлашувини аниқлашнинг CNN архитектураси**

CNN тармоғига ўқитиш учун кирувчи 75x224 ўлчамли тасвирни ўқитиш асосида МИни ташхислаш ва жойлашувини аниқлашнинг алгоритми қуйидагича ишлаб чиқилди:



**5-расм. МИни ташхислаш ва жойлашувини аниқлашнинг алгоритми**

**1-қадам.** Нейрон тармоғига кирувчи сигнал сониясига 1000 та дискрет қийматлар тўпламига тенг ва ҳар бир ҳосил қилинган тўплам кейинги босқичга ўтказилади. Тўпламлар сони 12 тага етгач жараён янги тўпламни кириши учун кутиш ҳолатига ўтади.

**2-қадам.** ЭКГ тўлкинидаги  $R$  координатани аниқлашда Пан-Томкинсон алгоритмидан фойдаланилади.




**3-қадам.** Пан-Томкинсон алгоритми натижасида аниқланган жами 12 та  $R$  координаталар ёрдамида  $F(x)$  сигналидан 12 та 652 узунликдаги дискрет қиймат олиниб, битта қаторга бирлаштирилади ва  $I(x)$  ўқида тасвирланади.

**4-қадам.** Ҳосил бўлган ЭКГ тасвири CNN тармоғида ўқитилади ва МИ ташхисланади.

Ишлаб чиқилган алгоритмнинг МИни аниқлай олиш қобилиятини баҳолаш учун хатолик матрицаси, аниқлик даражаси, сезгирлик, ўзига хослик, J-stat каби статистик параметрлар ҳисобланди. Ҳисоблаш натижаларига кўра ишлаб чиқилган алгоритм натижаси CNN тармоғи МИни 98,47 % аниқлик билан ташхислади.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Смартфон ЭКГ аппарат-дастурий мажмуасидан олинган натижалар ва уларнинг тадбиқи» келтирилган.




**6-расм.** Смартфон ЭКГ аппарат-дастурий мажмуасининг модуллари

**ЭКГ сигналларини олиш модули.** Ушбу модули APЎ (ADS1298), Atmega16 микроконтроллери ва Bluetooth HC-05 модуллари ўз ичига олади ва ушбу модулда сигналларга дастлабги ишлов бериш жараёнлари амалга оширилади.

**Тасвирни ҳосил қилиш модули.** Ушбу модул ЭКГ иловасида тасвирларини чизиш,  $R$  координатани аниқлаш ва CNN тармоғига кирувчи тасвирни ҳосил қилиш жаранларни ўз ичига олади. Бир сониядаги ЭКГ сигналнинг 652 қисмини қирқиб олиш ва қирқиб олинган 12 та ЭКГ тасвирлари асосида 75x224 ўлчамдаги тасвир ҳосил қилишни таъминлайди.


**МИни ташхислаш модули.** Ушбу модул асосида 75x224 ўлчамли тасвирни нейрон тармоғида ўқитиб, МИни ташхислаш ва жойлашув ўрнини аниқлаш жараёнини амалга оширади.

Таклиф этилаётган CNN архитектураси асосида МИни тахислаш ва жойлашувини аниқлашда олинган натижалар билан экспертлар томонидан МИни ташхислаш ва жойлашувини аниқлаш натижалари 4 та хусусият бўйича қиёсий таҳлил этилди. Таҳлилда CNN архитектураси асосида МИга ташхис қўйиш аниқлиги экспертлар томонидан ташхисланган натижадан юқори натижага эришганини кўриш мумкин, 7-расмга қаранг.



**7-расм. Таклиф этилаётган алгоритм ва экспертлар томонидан МИга ташхис қўйиш аниқлигининг қиёсий таҳлили**

Олинган натижаларни халқаро миқёсдаги аҳамиятини баҳолаш учун шу соҳада бажарилган илмий тадқиқот ишлари натижалари билан солиштириб кўрилди. 8-расмда ишлаб чиқилган нейрон тармоқ нисбатан кам маълумот билан 12 та каналли маълумотларга асосан миокард инфарктни юқори аниқлик билан ташхислаш имкониятини тақдим этди.



**8-расм. Алгоритмларнинг солиштирма таҳлили**

## ХУЛОСА

«Миокард инфарктни масофадан ташхислашнинг алгоритмлари ва аппарат-дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. МИни масофадан аниқлаш алгоритмлари ва аппарат-дастурий воситалари, МИни масофадан аниқлашнинг долзарб масалалари, МИни аниқлаш ва даволашнинг ёндашувлари ва МИни аниқлаш усуллари қиёсий таҳлил қилинди. МИни аниқлаш воситаларини солиштирма таҳлил қилиш натижасида тиббиёт марказларидан ташқарида МИни аниқлаш имкониятини берувчи аппарат-дастурий мажмуасини ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

2. МИни масофадан ташхислаш ва жойлашувини аниқлашнинг аппарат-дастурий воситалари, тиббиётда ўрнатилган тизимларнинг таснифи ва аналог интерфейсли ЭКГ интеграл чиплари қиёсий таҳлил қилинди. ЭКГ аппарат-таъминотини лойиҳалаш жараёнида АРЎ қурилмаларининг хусусиятлари солиштирма таҳлил қилинди. Таклиф этилаётган ЭКГ аппаратининг кичик ўлчамда ва арзон нархларда лойиҳалаш имкониятлари ҳисобга олинди. Таҳлил натижасида стандарт ҳолатдаги кичик ўлчамли ва ташиб юриш қулай ва смартфон қурилмаси билан интеграцияланиш имкониятини тақдим этувчи ЭКГ аппарат-дастурий таъминотини лойиҳалаш имкони яратилди.

3. Тасвир асосида МИни ташхислаш ва жойлашувини аниқлаш мақсадида таклиф этилаётган нейрон тармоғида ўқитиш учун ЭКГ тасвирларининг хусусиятлари ўрганилди ва сонли матрица орқали ўқитиш имконияти кўриб чиқилди. Бунинг натижасида нейрон тармоғининг кириш қатлами учун мос ва ташхислаш натижасининг аниқлик даражасини юқори бўлишини таъминловчи кириш тасвирини ҳосил қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш имконияти ҳосил бўлди.

4. Ўқув танланмаларига асосланган маълумотлар базасидан фойдаланиб нейрон тармоғи учун кирувчи тасвирни ҳосил қилиш алгоритми ишлаб чиқилди ҳамда МИни ташхислаш ва жойлашувини аниқлашнинг интеллектуал алгоритми ишлаб чиқилди.

5. Ўқув танламалари ва интеллектуал алгоритмлар асосида МИни ташхислаш ва жойлашувини аниқлаш имконини тақдим этувчи машинали ўқитиш алгоритмлари солиштирма таҳлил қилинди. Қўйилаётган вазифани ечиш имконини берувчи чуқур ўқитишнинг CNN алгоритми аниқланди. Таҳлил натижасида ЭКГ тасвирлари асосида МИни ташхислаш ва жойлашувини аниқлашга қаратилган CNN архитектураси ишлаб чиқиш имкони ҳосил қилинди.

6. Смартфон ЭКГ иловасини ишлаб чиқиш ва ЭКГ аппарат-дастурий таъминоти билан интеграция қилиш имконини таҳлил қилишда смартфон ЭКГ аппарат-дастурий мажмуасининг модуллари, унинг таркибий қисмлари ва унда амалга ошириладиган амалларни аниқлаш имкони яратилди.

7. Смартфон ЭКГ аппарат-дастурий мажмуасининг модуллари, таркибий қисмлари ва ундан фойдаланиш жараёни тадқиқ этилди ва ЭКГ апарати билан смартфон иловаси ўртасида маълумот алмашиш алгоритми ишлаб чиқилди. Смартфон ЭКГ аппарат-дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш натижасида масофадан туриб ЭКГ тасвирларига асосан МИни ташхислаш ва жойлашувини аниқлаш имкони пайдо бўлди.

8. Ишлаб чиқилган смартфон ЭКГ аппарат-дастурий мажмуасидан фойдаланиш учун аппарат ва дастурий жиҳатдан зарурий талаблар ишлаб чиқилди. Тизим икки қисмдан иборат эканлигини эътиборга олган ҳолда, ҳам фойдаланувчи, ҳам смартфон ЭКГ иловасидан фойдаланиш бўйича аппарат ва дастурий таъминотларга бўлган талаблар ишлаб чиқилди. Бу талабларнинг ишлаб чиқилиши дастурий воситадан фойдаланиш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган хатолик ва муаммоларни бартараф этиш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАСИМОВ РАШИД ХАМИД УГЛИ**

**РАЗРАБОТКА АЛГОРИТМОВ И АППАРАТНО-ПРОГРАММНОГО  
КОМПЛЕКСА ДЛЯ ДИСТАНЦИОННОЙ ДИАГНОСТИКИ  
ИНФАРКТА МИОКАРДА**

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,  
комплексов и компьютерных сетей

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.2.PhD/T1564.**

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyounet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:** **Муминов Баходир Болтаевич**  
доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** **Зайнидинов Хаким Насридинович**  
доктор технических наук, профессор

**Хужаев Отабек Кадамбаевич**  
PhD

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный транспортный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_ часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № \_\_\_\_). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(протокол рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.).

**Р.Х.Хамдамов**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

**Ф.М.Нуралиев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент.

**М.А.Рахматуллаев**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире развитие индустрии производства аппаратно-программных продуктов в сфере медицины показывает, что мониторинг биологических изменений в человеке, процессы определения показателей этих изменений и их первичной диагностики возможно реализовать с помощью аппаратно-программных средств на основе интеллектуально-аналитических алгоритмов нейронных сетей. В последние десятилетия увеличивается потребность в оказании медицинских услуг посредством цифровых устройств (в частности, смартфонов). В этом плане, в развитых странах ведется работа по расширению и адаптации возможностей приложений для смартфонов, предназначенных для оказания медицинских услуг. В частности, в США, Германии, Франции, Великобритании, Японии, Португалии, Австралии, Южной Кореи, Китайской Народной Республике, Индии, Российской Федерации, Таджикистане и Узбекистане осуществляется огромные работы по мониторингу и диагностике инфаркта миокарда с помощью интеллектуально-аналитических алгоритмов нейронных сетей и аппаратно-программных средств, функционирующих на их основе.

Ведется множество научных исследований в центрах медицинских услуг по внедрению практики дистанционной диагностики, увеличения качественных аппаратно-программных средств, позволяющих проводить мониторинг и выявлять смертельно опасных заболеваний на ранних стадиях. В частности, важнейшими научно-практическими задачами являются организация больших массивов база данных для диагностики инфаркта миокарда, использование алгоритмов интеллектуальной обработки медицинских данных на основе алгоритмов машинного обучения, а также на их базе разработать аппаратно-программные средства.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 2 августа 2018 года №ПП-3894 «О мерах по внедрению инновационной модели управления здравоохранением в Республике Узбекистан», Указом Президента Республики Узбекистан от 7 октября 2020 года №УП-6079 «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 января 2019 года №48, включающего комплексное развитие таких направлений как дистанционная диагностика, медицинская помощь на дому, единые платформы биомедицинских данных пациентов, цифровизация экстренных медицинских услуг, телемедицина, биомедицина и биотехнологии, и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** В специализированных научных учреждениях мира многие ученые ведут научно-прикладные исследования по разработке базы данных и аппаратно-программных средств, диагностирующих инфаркта миокарда; разработка и внедрение в практике алгоритмов выявления признаков, математического моделирования, интеллектуального анализа данных по инфаркту миокарду. В частности, в работах Р.Ачарьи, Т.Реасата, Х.Луи, Б.Балоглу, Н.Стродтхофа, Л.Венхана разработаны модели диагностики инфаркта миокарда и отличия его от других сердечно-сосудистых заболеваний с использованием нейронных сетей.

В нашей Республике ряд отечественных ученых вносят свой вклад в развитие науки в этом направлении, в частности, научные исследования по разработки алгоритмов распознавания в сфере интеллектуальной обработки вел М.М.Камилов, в области алгоритмов определения признаков и данных обучения Ш.Х.Фозилов, работы по описанию речевых сигналов проводил М.М.Мусаев, практические работы по обработке изображений осуществлял Н.А.Игнатъев, по обработке медицинских изображений вел исследования Х.Н.Зайнидинов, в сфере экспертных систем изыскания проводил М.А.Рахматуллаев, по задачам классификации и диагностики А.Х.Нишанов, в области систем интеллектуального поиска важное значение имеют работы Б.Б.Муминова.

Несмотря на это, до настоящего времени вопросы разработки и внедрения в практику аппаратно-программных средств и архитектуры нейронных сетей по выявлению и диагностике инфаркта миокарда на основе данных электрокардиограммы недостаточно изучены.

**Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках научных проектов №7/18-Ф «Разработка системы дистанционного мониторинга больных с гипертонией и инсультом» (2018-2019) и № I-5-0519 «Мониторинг функциональных изменений сердца» (2019) в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий.

**Целью исследования** является разработка алгоритмов и программно-аппаратного комплекса для дистанционной диагностики инфаркта миокарда на основе нейронных сетей.

**Задачи исследования:**

анализ методов и алгоритмов обработки изображений на основе нейронных сетей, использование аппаратно-программных средств при



диагностике инфаркта миокарда;

разработка алгоритма обмена данных смартфона и проектирование функциональной структуры аппаратно-программного обеспечения;

разработка алгоритмов получения данных, входящих в нейронную сеть;

построение архитектуры и параметров нейронных сетей, ориентированной на диагностику и локализацию инфаркта миокарда;

разработка алгоритма диагностики и локализации инфаркта миокарда;

разработка ЭКГ смартфона для аппаратно-программного комплекса.

**Объектом исследования** являются сигналы, изображения и данные обучения электрокардиографии.

**Предмет исследования** – методы формирования данных обучения, методы и алгоритмы интеллектуального анализа данных, методы и технологии разработки аппаратно-программного средства электрокардиографии и соответствующего приложения для смартфонов.

**Методы исследования.** Использованы методы цифровой обработки качественной изображения, наблюдения и статистического анализа, теории множеств и математическая статистика, интеллектуальная обработка данных и технологии программирования.

**Научная новизна исследования** заключается в следующем:

